

Jizzax haqiqati

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

Gazeta 1974-yil 1-maydan chiqib boshlagan

WWW.JIZZAXNEWS.UZ

E-mail: jizzax.haqiqati@yandex.com

2024-YIL 10-YANVAR, CHORSHANBA. № 4 (6465)

2024 йил

Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили

САЙЁР ҚАБУЛ

КЎНГИЛ ОБОД БЎЛСА, ЮРТ ҲАМ ОБОД

Аҳоли мурожаатларини ўрганиш, уларни қийнаб келатган масалаларга ижобий ечим топшида жойларда ўтказилаётган оммавий қабуллар катта аҳамият касб этмоқда. Энг асосийси, қабулларда нафақат шахсий, балки маҳаллалар инфратузилмаси билан боғлиқ қатор муаммолар бартараф этилиб, фуқароларнинг турмуш шароити яхшиланмоқда.

2023 йилнинг якунлари бўйича Дўстлик туманида жами 234 мартаба туман сектор раҳбарларининг аҳоли билан сайёр қабули ўтказилди. Сайёр қабулларда 1330 нафар фуқаронинг 1384 та масаласи ўрганилди. Аксарият мурожаатлар ижобий ҳал этилган бўлса, 167 та мурожаатга ҳуқуқий, 23 тасига эса асосли тушунтиришлар берилди.

— Ҳар бир мурожаат назоратга олинган, унинг замирида инсон қадрини, омили турибди, — дейди Дўстлик туман халқ қабулхонасининг етакчи мутахассиси Эргаш Алиев. — Худудимизда ўтган йилги вилоят ҳокимининг оммавий қабулида Турсун Жўраев кўзини хорижда операция қилдириш учун, Наврўз маҳалласидан Наргиза Тошпўлатова фарзанди Темирбекни, Халим Идрисов отасининг соғлиғини тиклаш учун моддий ёрдам сўраб, вилоят раҳбарига қилган мурожаатлари шу ернинг ўзига ижобий ҳал этилган. Сайёр қабулда учта оила вакиллари вилоят ҳокимига ўшанда севинч кўз ёшлари ила миннатдорчилик билдиришганди.

Ўтган шанба кўни "Манас" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидagi маданият марказида вилоят ҳокимининг туман аҳолиси билан навбатдаги оммавий қабули бўлиб ўтди. Уни Ўзбекистон Республикаси Президентининг Жиззах вилоятидаги Халқ қабулхонаси мудири Байрамбек Узоқов кириш сўзи билан очиб, Президентимиз ташаббуси билан республикада илк бор 2018 йилда "Обод қишлоқ" давлат дастури ижроси амалга оширилган манзилда сайёр қабулнинг бежизга ўтказилмаётганига эътиборни қаратди.

Оммавий қабулда вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Абдували Мустанов сўзга чиқиб, туманда ўтган йили амалга оширилган давлат дастурлари ижросига алоҳида тўхталиб ўтди.

Туманда 2023 йилда 6 та дастур доирасида 57 та иншоотда 127,2 млрд. сўмлик қурилиш-таъмирлаш ишлари бажарилди. Жумладан, Чинобод маҳалласидаги 46 та кўп қаватли уйлар ва ижтимоий соҳа иншоотлари учун 4 км. канализация тармо-

ғи ва 1 та оқова сув насос станцияси қурилди. Мевазор, Манас маҳаллаларининг электр таъминоти тизими яхшиланди. "Дўстлик — Янгиер" автомобиль йўлининг Қасрамон ва Олтин водий маҳаллаларидан ўтувчи 17 км. қисми жорий, Наврўз ва Манас маҳаллаларига борувчи автомобиль йўлидаги кўприк мукамал таъмирланди. "Манас" МФЙ ҳудудидagi 5 та кўчага 4,6 км. асфальт қопламаси ётқизилди.

"Ҳўжам Исроиллов", "Янги тараққиёт" ва "Жиззах остонаси" фермер ҳўжаликлари уюшмалари ҳудудларида ёпиқ ва ётиқ дренаж тармоқлари қурилди. "Мингчинор" масивидagi янги қурилаган кўп қаватли уйларга ичимлик ва оқова сув тизимлари тортилди. Алишер Навоий, Ғофур Гулом, Чин-обод ва Саноатчилар маҳаллалари ҳудудларида 7 та тик дренаж қудуғи қурилиб, 9 км. ички коллектор тозаланди. Боғзор ва Манас маҳалласидаги янги аҳоли хонадонларига ичимлик суви тармоғи тортилди.

"Менинг йўлим" лойиҳаси доирасида Раҳим Есенқулов, Деҳқонобод, Сумбула ва Манас кўчаларида 2,3 млрд. сўмлик таъмирлаш ишлари бажарилди.

2024 йилга мўлжалланган ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастурига мувофиқ, тумандаги 9,18-умумтаълим мактабларини қурилиш-таъмирлаш, Саркисов, "Янги тараққиёт", "Жиззах остонаси" ва "Истиқлол" фермер ҳўжаликлари ҳудудий уюшмаларида 14 км. ёпиқ-ётиқ дренаж тармоғи барпо этиш учун республика бюджетидан 15 млрд. сўм маблағ ажратилади.

"Манас" маҳалла фуқаролар йиғинида бўлиб ўтган вилоят ҳокимининг оммавий қабулида 31 нафар фуқаронинг 45 та масала бўйича мурожаатлари тингланди. Мурожаатларни қонун доирасида белгиланган муддатларда ўрганиб, ижобий ҳал этиш учун вилоят ҳокими ўринбосарлари, корхона ва ташкилотлар раҳбарларига аниқ вазифалар белгилаб берилди.

Зоир ЭРГАШЕВ.
(*"Жиззах ҳақиқати"*)

ПРЕСС-ТУР

Вилоят ҳокимлиги ахборот хизмати ташаббуси билан Дўстлик туманига пресс-тур таъин қилинди. ОАВ ходимлари туманда ижтимоий-иқтисодий соҳада амалга оширилган лойиҳалар билан танишини дастлаб "Саноатчилар" МФЙ ҳудудида таъин қилинган микромарказдан бошлади.

ЎЗБЕКИСТОННИНГ МАССИВЛАРИДА

2022 йил 25 июлда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Маҳаллаларда саноат, хунармандчилик, касаначилик ва чорвачилик микромарказларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилинди.

Мазкур қарорнинг ижросини таъминлаш мақсадида Саноатчилар маҳалласи ҳудудидagi собиқ чиқинди полигонини ўрнида 3 гектарлик микромарказ ташкил этилди. Маҳаллаларда саноат, хунармандчилик, касаначилик каби фаолият турлари билан шуғулланувчи фуқароларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг иш юритиш шароитларини яхшилаш, ишсизлик даражаси юқори бўлган ҳудудларда замонавий ишлаб чиқариш қувватларини ишга туширилишини жадаллаштириш ҳамда шунга асосан домий иш жойлари ташкил этилишини таъминлаш ва аҳоли даромадларини ошириш мақсадида саноат ва хизмат кўрсатиш микромаркази ўз фаолиятини бошлади.

Давлатимиз раҳбарининг 2023 йил 23 февралдаги "Касаначиликни янада

ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қабул қилган қарори бу борада яна бир муҳим аҳамият касб этди. Касаначиларга қулай солиқ режими жорий этиш, фаолиятини йўлга қўйиш учун уларни молиявий қўллаб-қувватлаш чораларини кенгайтириш, тадбиркорлик субъектлари томонидан ўз фаолиятига касаначиларни кенг жалб қилишни рағбатлантириш орқали аҳолининг бандлигини таъминлаш ва даромадларини ошириш имконияти туғилди.

Микромарказдаги "Timlord trade cluster" МЧЖда тикув трикотаж маҳсулотлари, "Lola chinnilari" МЧЖда чини буюмлари, "Do'stlik innovation textil" МЧЖда ҳар хил турдаги сумкалар ва махсус кийимлар, "Manas agro cluster" МЧЖда газли ва газланмаган ичимлик сувлари ишлаб чиқариш каби лойиҳалар амалга оширилди.

Шунингдек, тайёр кўрпа, турли қоғоз маҳсулотлари, пенопластдан қурилиш-безак, зангалмас металлдан мебель ва рўзгор буюмлари, родбонд, клей ҳамда қурилишбоп маҳсулотлар

тадбиркорлар томонидан ишлаб чиқарилмоқда.

— Тикувчилик мажмуасида ишлаб чиқарилаётган кийим-кечаклар юз фоиз Россия Федерациясига экспорт қилинмоқда, — дейди туман инвестициялар, саноат ва ташқи савдо бўлими бошлиғининг ўринбосари Олимжон Қасҳоров. — Россиялик ҳамкорлар билан 5 млн. АҚШ долларлик шартнома имзоланган. Чинни буюмлари эса Қирғизистон ва Тожикистон Республикаларига экспортга йўналтирилган.

Микромарказда 50 дан ортиқ тадбиркорлар 35 турдаги қурилиш материалларини ишлаб чиқаришаётир. Тайёр маҳсулот шу ернинг ўзига истеъмолчига етказилиб берилмоқда. Аҳолига қулайлик яратиш мақсадида марказнинг ёнида қурилиш моллари бозори ташкил этилган.

Пресс-тур иштирокчилари "Саноатчилар" МФЙ ҳудудида барпо этилаётган сув тозалаш иншоотида бўлишди. Умумий қиймати 20 млрд. сўмни ташкил этувчи иншоот туман учун муҳим аҳамият касб этадиган

лойиҳалардан саналади. Дўстлик шаҳридаги корхона, ташкилотлар, аҳоли хонадонларидаги оқова сув илгари очик майдонга чиқарилади. Деярли тизим йўқ эди. Янги барпо этилаётган иншоотда лойиҳага кўра, оқова сувлар тўпланиб, олти босқичда филтрланиб, техник сувга айлантирилади. Энг аҳамиятлиси, қайта ишланган сувдан қишлоқ ҳўжалиғи экинларини сугориш имконияти туғилади. 1800 метр куб сувини қабул қилиш қувватига эга иншоот март ойида тўлиқ фойдаланишга топширилади.

Журналистлар пресс-тур давомида туман сув таъминоти идораси, "Саноатчилар" МФЙнинг янги биноси, "Чинобод" МФЙдаги "Янги Ўзбекистон" массивида олиб борилаётган бунёдкорликларга гувоҳ бўлишди.

Бу ҳақда газетамизнинг кейинги сонларида батафсил танишингиз мумкин.

Зоир ТУРСУНКУЛОВ.
(*"Жиззах ҳақиқати"*)

Муаллиф олган суратлар.

МУНОСАБАТ



“ЖАДИД”

Маълумки, 2023 йилнинг 22 декабрь кўни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтган эди. Ушбу йиғилиш ҳозирги кўндаги ҳаётини муаммоларни маънавият ва маърифат орқали енгиб ўтишга бағишланди, десак муболага бўлмайди.

газетасини варақлаб...

Президентимизнинг "Илгари ўз мақсад ва манфаатларини асосан дипломатия ва сиёсат билан ҳимоя қилиб келган дунёдаги қудратли марказлар энди очикчасига босим ўтказиш, қарама-қаршилик ва тўқнашувлар йўлига ўтганига ҳаммамиз гувоҳмиз. Афсуски, бундай кенг кўламли ва ўта зиддиятли жараёнларнинг таъсири Марказий Осиё минтақаси ва унинг таркибий қисми бўлган мамлакатимизни ҳам четлаб ўтмаяпти", деган ҳақли эътирози барчамизни хўшёрликка ундайди.

Яқинда пойтахтимизда ўтказилган "Жадида-лар: миллий ўзлик, истиқлол ва давлатчилик ғоялари" мавзусидаги илмий конференция жаҳон маданий жамоатчилиғи ўртасида катта қизиқиш билан эътироф этилди.

XX аср бошларида халқимизни озодлик ва илм-маърифат учун курашга чорлаган жаҳид боболаримизни эслайлик. Улар миллиятни уйғотиш, уни тараққиёт сари ундаш учун ҳам ишни энг аввало газета таъсис этишдан бошлашган. "Таржимон", "Ойина", "Тараққиё", "Садойи Туркистон", "Садойи Фарғона", "Нажот", "Хур-

рият", "Ал-ислоҳ" каби босма нашрлар орқали миллий истиқлол, ҳуррият, маърифат каби ҳаётбахш ғояларни халқ ичига олиб киришга интиланлар.

Президентимиз Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Фаоллар академияси, Маънавият ва маърифат маркази, Миллий масс-медияни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, "Шаҳидлар хотираси" жамғармаси ҳамда жамоатчилик вакиллари "Жаҳид" номли янги газетани ташкил этиш таклифини илгари сурди. Ушбу нашр Ватан ва халқ манфаатлари йўлида жон фидо қилган миллат ойдinлари — жаҳид боболаримизнинг ҳаёти ва фаолиятини кенг тарғиб этишда ўзига хос тафаккур майдони бўлиши мақсад этилди.

Газета илк сонининг мазмун-мундарижасига келсак, у ниҳоятда ранг-баранг ва қизиқарли мавзуларни қамраб олган. Хусусан, бош муҳаррир Иқбол Мирзозининг "Муҳаррир минбар" руқни остидаги "Бирлашмоқ даври" сарлавҳали бош мақоласида газета саҳифаларининг мақсад-муддаслари ҳақида сўз юритилган. Шунингдек, бугун дунёда янгиланаётган Ўзбекис-

тон сифатида эътироф этилаётган мамлакатимизда кечаётган маърифий ислохотлар, жаҳид боболаримизнинг ғоя ва интилишларига нечоғлиқ ҳамоҳанг эканлиғи равон, халқчил тарзда ифода этилган.

Дарҳақиқат, "Жаҳид" газетаси том маънода маърифатпарвар боболаримиз орзу қилган янги замоннинг шукронаси, Ватан ва халқ манфаатлари йўлида бугун яна миллат ойдinларини бирлаштиришдек эзгу ғоя таънасиқдир.

Президентимиз таъбири билан айтганда, "Жаҳид" газетаси юқорида айтилган эзгу аънаваларни давом эттириб, улуғ аждодларимизнинг Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси билан муштарақ бўлган ғоя ва дастурларини атрофлича ёритиш, бу қутлуг меросни эл-юртимиз, биринчи навбатда, ёшларимизнинг қалби ва онига етказишда, жамоатчилик фикрини шакллантиришда ўзига хос эркин минбар бўлади, деб ишонамиз.

Мавлонбек ДОНИЯРОВ,
Жиззах давлат педагогика
университетининг бошланғич таълим
факультети ўқитувчиси.



Очиғи, сўровнома каналга жойлаштирилгач, энг шимариб уни тарқатишга ва овоз йиғишга ҳаракат қилдиғи, юқори натижага эришишга унча ишончимиз комил эмас эди. Ахир "Зарафшон", "Янги Фарғона" каби ўзига хос таърибига мактабига эга нашрлар билан беллашиш вазн тоифаси бир хил бўлмаган полвонлар курашига ўхшар эди. Аммо кўп миң сонли муштариоларимиз — қаторда норларимиз сабаб юқимиз ерда қолмади. Сўровнома тўхтайтилгач ҳам, овоз бериш истағидagi ўқувчиларимизнинг номалари тинмади.

Авалло, ушбу канални ташкил қилиб, республикадаги барча босма нашрларнинг бошини қовуштирган "Gazetalar sharhi" канали ташкилотчиларига миннатдорлик билдираимиз. Бугун босма нашрлар Президентимиз ҳамда фидойий маънавиятчилар, вилоят ҳокимликларининг кўмаги билан нуфузини янада оширмоқда. Унинг жамият ҳаётидаги ўрни асли бекийски, ривожланган жамиятлар аллақачон босиб ўтган

ЭЪТИБОР ВА ЭЪТИРОФ

МУШТАРИЙЛАР

ишончи бизга қанот бағишлайди

Республикада ташкил этилган "Gazetalar sharhi" канали орқали вилоят газеталарининг 2023 йилги фаолияти юзасидан ўтказилган сўровнома натижаларига кўра "Жиззах ҳақиқати" газетаси 3674 та овоз тўплаб, биринчи ўринни кўлга киритди.

йўлдан юриш давомида матбуот кўпларнинг кўзига ўғай кўриниб қолаётгани ачинарли. Канал ташкил этган сўровнома тахририйлар ва муассислар, муштариолари ва мунаққидларнинг эътиборини бир нуқтага жамлаб, жамоатчилик назоратининг ўткир нигоҳларини ҳис этишга чорлади.

Йил аввалидаги бу хушхабар газетамиз жамоасига янги руҳ, катта ишонч бағишлади. Газетамиз муассиси бўлган Жиззах вилояти ҳокимлиғи ва халқ депутатлари вилоят Кенгаши — матбуотни қўллаб-қувватловчи энг яхши ҳокимликлардан бири деб баҳоланди. 2024 йилда газеталаримиз чоп этилганлигининг 50 йиллиғи нишонланади. Бу йил бажарадиган, режалаштирган ишларимиз талай. Энг муҳими, **"Жиззах ҳақиқати"**ни ҳамisha қўллаб-қувватлаб келган муштариоларимиз ишончини оқлашдир!

ТАХРИРИЯТ.

2024 йил — ЁШЛАР ВА БИЗНЕСНИ ҚЎЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЙИЛИ

Азиз муштарий, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Номоддий маданий меросни муҳофаза қилишни ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ҳамда "Аҳолига маданий хизмат кўрсатиш даражасини янада ошириш чора-тадбир-


ва адиблар, санъат намояндалари, маънавият ва маърифат соҳаси ходимлари жасорат билан майдонга чиққанлар. Мамлакатимиз ўз таракқиётининг янги, юксак босқичига кираётган ҳозирги пайтда бизга жадид боболаримиз каби фарб илм-фан ютуқлари билан

Ижтимоий-маънавий тадқиқотлар институти катта илмий ходими, фалсафа фанлари доктори (PhD) Шахло Ахророва. — Таълим-тарбия ҳам, тарих ва келажақ ҳам мана шу икки сўзнинг маъно-мазмунини ифода этишга ундайди. Шу боисдан халқпарвар Президентимиз

мойи-иқтисодий ҳолатлари доимо эътиборда эканлигидан руҳланган талабалар "Ёшлар ва бизнесни қўлаб-қувватлаш йили"да янада юксак марраларда Ватанимиз номи тилга олинаши учун изланиш ва ривожланишдан бир зум ҳам тўхтамасликка ҳаракат қилишмоқда.



МУНОСАБАТ



Биз ўтган икки йил давомида тумандаги барча қатламдаги ёшларнинг дарду ташвишларига кулоқ солдик.

Қолаверса, имконияти чекланган, биргина туртки бўлса, ҳаётда ўз ўрнига эга бўладиган ўғил-қизларга ёрдам беришни бошладик. Улардан мингдан ортиғи юртимиздаги ислохотлардан, амалга оширилаётган ёшлар сиёсатидан рози бўлиб, ўзлари орзу қилганидек ниятига етди. Албатта, бу бошланиши.



лик ортишига, уларнинг жамиятда ўз ўрнини топишларига ҳар томонлама қўмак кўрсатилади. Юрт болаларининг замонавий касбларга қизиқиши ортади, IT соҳасидаги билимлари мустаҳкамланади, иқтидорли ҳамда ижтимоий муҳофазага муҳтож ёшлар яна қўлаб-

қувватланади.

Ушбу йилда ҳам туманимиздаги йигит-қизларни замонавий касбларга, ўзи хоҳлаган иш билан банд қилишда ҳамда ёш тадбиркорларни қўлайтиришга бор кучимиз билан ёндашамиз. Бизнес соҳасида ўз хиссасини қўшаётган ва қўшиш ниятида юрганлар учун эса бу йил янги имтиёзлар, янги муваффақиятлар келтириши, шубҳасиз.

Аббос ТУРДИКУЛОВ,
Ёшлар ишлари агентлиги
Вилоят бошқармасининг
Янгиобод туман бўлими
бошлиғи.



лари тўғрисида"ги Қарорлари билан аллақачон танишиб чиққансиз, деган умиддамиз. Жамиятимизнинг ҳар бир вакили маънавиятнинг мунаввар моҳиятини янада тереңроқ англаши учун ижрога йўналтирилган ушбу ҳужжатлардаги устувор вазифалар ҳаётимиздаги аслий истакларни равшанлантиради. Кишини ўз-ўзини ислоҳ этишга, атроф оламга энг соф билимлар замирида назар солишга ундайди.

Муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2023 йил 22 декабрь куни Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг кенгайтирилган йиғилишида жонқуярлик билан айтган қуйидаги сўзлари бежиз эмасди:

— "Тарихдан маълум: Ватан ва халқ тақдирига нисбатан таҳдидлар кучайган вазиятда айнан миллат фидойилари — уйғоқ қалбли зиёлилар, шоир

бирга, миллий кадриятлар руҳида тарбия топган етук кадрлар сув билан ҳаводек зарур".

Дарҳақиқат, заминимизнинг ўзига хос алласиyo яллаларини эшитиб улғайган, урф-одатларимизни ардоқлаган, оташин юраги миллий гурур билан нафас олган ҳар бир инсон Юртбошимиз эътироф этган кадр бўла олиши мумкин. У қайси соҳада ишлаганин, аждодларга бўлган ҳурматини, улардан мерос қолган маънавий манбаларни ўқиб, амал этиш билангина ифодалаш лозим.

— Маънавият, маърифат — илк бор эртақлар тинглашни бошлаган бегубор болалардан то инсоний баркамоллик хиссини туовчи нуруний, донишмандларгача алоқадор мавзу эканлиги ҳаммамизга маълум, — деди Республика Маънавият ва маърифат маркази қошидаги

мазкур соҳага бағишланган кенгайтирилган йиғилишда маънавият бошқа соҳалардан олдинда юриши, янги кучга, янги ҳаракатга айланиши кераклигини таъкидладилар. Айни дамда адабиёт, санъат, маданият, ижод ва тарғибот каби қўлаб йўналишларда фаолият юритаётган ходимларнинг ижодий масъулиятини ошириш, мафқуравий хушёрлиқни мустаҳкамлашга қаратилган ишлар бошлаб юборилди.

— Олийгоҳда назм ва насрда ижод қилувчи, мусиқа ёки санъат йўналишларида ўз истеъдодига эга талабаларнинг имкониятларини кенгайтириш мақсадида янги тартибдаги ташвиқот тадбирларини ташкил этиш режалаштирилди, — деди Жиззах давлат педагогика университети доценти, филология фанлари бўйича фалсафа доктори Шохидда Сиддиқова. — Ижти-

— Аҳолига маданий хизмат кўрсатишни тубдан такомиллаштириш билан бирга соҳа фаолиятини ривожлантиришга қаратилган фармон ва қарорни ўқир эканман, қувонччи ҳамда шарафли масъулиятни ҳис этдим, — деди вилоят кўғирчоқ театрининг Адабий ишлар бўлими мудири Гулчехра Салимова. — "Корхона ва муассасаларда ойнаинг бир куни "Театр куни" деб белгиланиб, ходимларнинг театрларга бориши йўлга қўйилди". Давлатимиз раҳбарининг 22 декабрдаги маърузаларида айтилган мазкур сўзларига қўра январь ойи бошидан янги асарлар, сценарийларни саҳналаштириш ишлари билан банд бўлапмиз.

— Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Аҳолига маданий хизмат кўрсатиш даражасини янада ошириш чора-тадбирлари

НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАРИ ФАОЛИЯТИДАН

2024 йил — "Ёшлар ва бизнесни қўлаб-қувватлаш йили"да қўлаб муваффақиятларга эришиш мақсадида нодавлат нотижорат ташкилотларининг давлат органлари билан ижтимоий шерикликда иш олиб бориши ҳамда жамоат-чилик назорати муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистон Республикасининг "Ижтимоий шериклик тўғрисида"ги, "Жамоатчилик назорати тўғрисида"ги қонунлари, Вазирлар Маҳкамасининг "Ижтимоий шериклик ҳамда жамоатчилик назоратини амалга ошириш механизмларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори ташкилотларнинг самарали фаолиятини таъминламоқда.



Шу ўринда ижтимоий шериклик қандай тушунча, деган саволнинг жавобига тўхталиб ўтсак. Бу — давлат органларининг нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдор бўлган бошқа қарорларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш борасидаги ҳамкорликдир.


Ўзбекистон Республикасининг "Ижтимоий шериклик тўғрисида"ги қонунининг 3-моддасига қўра "Давлат органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари ижтимоий шериклик субъектларидир". Мазкур қонуннинг 5-моддасига қўра ижтимоий шериклик қонунчилиққа мувофиқ қўлаб соҳаларда амалга оширилиши белгиланган. Жумладан, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, бандлигини таъминлаш, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, ёшларга билим бериш, уларни маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш ва касбга йўналтириш вазифалари кўрсатилган. Шунингдек, хотин-қизларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий тизимларда тўлақонли иштирок этишини таъминлаш,

фан, таълим, ахборотлаштириш, маданият ва спортни ривожлантириш ҳам эътиборга олинган. Қолаверса, миллиятлараро тотувлик гоёларини мустаҳкамлаш, тарихий-маданий кадриятларни тиклаш ва сақлаш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш каби ҳамкорликлар қўлаб-қувватланиши белгиланган.

Бугунги кунда, ижтимоий шериклик ҳамда жамоатчилик назоратини амалга ошириш механизмлари такомиллашиб бормоқда. Адлия вазирлиги томонидан нодавлат нотижорат ташкилотларига онлайн давлат хизматларини кўрсатиш, уларни электрон шаклда рўйхатдан ўтказиш, фуқаролик жамиятининг ривожланиш ҳолати ва тенденцияларини кузатиб бориш имкониятини берадиган электрон портал ишга туширилган.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, ижтимоий шериклик муносабатлари ҳамда долзарб масалаларни ҳал этишда давлат органлари ва ННТлар ўртасида ҳамкорликни кучайтириш ижобий натижаларга эришишнинг муҳим омили бўлиб ҳисобланмоқда.

Элдор ЖАББОРОВ,
Демократик жараёнларни
таҳлил қилиш маркази вилоят
бўлинмаси мутахассиси.



ИНВЕСТИЦИЯЛАР ТАРАҚҚИЁТ ҚУВВАТИ

ХАМКОРЛИҚДА ХИҚМАТ БОР

Маъракада ёши улуглар жам бўлган хонага бир йигит кириб пой-гакка ўтирди. Тўрда гапириб ўтирган нуруний унга қараб:

— Ўғлим, сен ўқигансан, телевизорда ҳам, радиога ҳам "инвестиция" деган сўзни такрор-такрор айтишадди. Бу сўзнинг маъноси қандай? — деб сўраб қолди. Йигит бир оз уйланиб турган жавоб берди:

— Қизингиз ўқини тугаллаган, турмушга бердингиз деб тасаввур қилинг. У қудаларникида рўзгор иқир-чиқирларига ўралашиб, бирор жойга ишга ҳам қирмади. Сиз унга бир бош сигир олиб бериб, сут-қатиғидан менга ҳам бериб турасан, дейсиз. Шундай қилиб қудангиз сигирлик бўлади, сиз эса сут, қаймоқ, қатикдан баҳраманд бўласиз. Сигир қизингизга ҳам эрмак бўлади.

— Сут-қатигини менга берса қудаларга нима фойда, ахир меҳнатни улар қилади-ку, ем-хашак деган ташвишлари бор? — Тўғри, лекин улар ҳар йили бузогини олади, ўзларига ҳам сут-қатик қолади-ку. Давлат миқёсида қиритилган инвестицияга ҳисобига юртимизда завод-фабрикалар қурилмоқда, минглаб одамлар ишлик бўлаётди, инвестиция асосида ташкил бўлган ишлаб чиқариш корхоналари солиқ тўлаб давлатимиз қудратини ошираяпти.

— Ана энди тушундим, барака топкур раҳбарларимиз "Инвестиция қиратмиз!" деб бекорга қуйинмас экан. Ўғлим ҳорижда ишлаётган эди, туманимизда чет эл билан қўшма корхона очилганида келиб ўша фабрикага ишга қирди. Ҳозир оиласи, фарзандлари ёнида...

Ҳа, қиритилган инвестициялар ёрдамида вилоятимизда ташкил этилаётган ишлаб чиқариш корхоналари сони йилдан-йилга ортиб бормоқда. 2023 йилда умумий қиймати 1026,2 млн. долларлик 709 та инвестиция лойиҳалари ишга туширилиб, 11268 нафар янги иш ўринлари яратилди. Жумладан, саноат соҳасида умумий қиймати 620,1 млн. долларлик 137 та лойиҳаларда 5222 нафар янги иш ўринлари яратилди.

Вилоятимизнинг табиий захира-ларга бойлиги, табиати ва ноёб ҳайвонот, ўсимликлар дунёси доим инвесторларни жалб этиб келади. Лекин улар кейинги етти йилда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришга ҳам муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Ўтган йили бу соҳадаги 396 та лойиҳаларга умумий қиймати 186,3 млн. доллар инвестиция қиритилди. Натижда 3365 нафар юртдошларимиз доимий иш ўринларига эга бўлди.

Қишлоқ ҳўжалигини ривожлантириш, янги технологиялар қиритиш, базасини замонавий техникалар билан мустаҳкамлаш, соҳага инновацион ёндашувда инвестицияларнинг ўрни беқўёқ. 2023 йилда қишлоқ ҳўжалиги соҳасига қиритилган умумий қиймати 219,8 млн. долларлик маблағлар ҳисобига 176 та лойиҳалар ишга туширилди. Шулар ҳисобидан 2681 нафар янги иш ўринлари яратилди.

Масалан, Жиззах шаҳридаги "Farmatek" МЧЖ томонидан умумий қиймати 60,9 млрд. сўмлик "Тиббий бўюмлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш" лойиҳаси ишга туширилиб, 50 та янги иш ўринлари яратилди. "Uz Turk Charm" МЧЖ томонидан умумий қиймати 148,6 млрд. сўмлик "Тайёр чарм ишлаб чиқаришни ташкил этиш" лойиҳаси ишга туширилиб, 70 та янги иш ўринларига жойлашган ҳамшаҳарлигимиз меҳнат қилишмоқда. "Master System East" МЧЖ ҚҚ томонидан умумий қиймати 183,3 млрд. сўмлик "Мис хом ашёсидан турли хилдаги сместитель, латундан қувурлар ва қирлиш материаллари соҳасидаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш" лойиҳаси ишга туширилиб, 100 нафар жижзахликлар учун янги иш ўринлари яратилди.

Бундай ҳайрли ишлар туманлар миқёсида ҳам амалга оширилаётгани эътиборга лойиқдир. Зарбдор туманидаги "Jizzax organic" МЧЖ ХК томонидан умумий қиймати 130,9 млрд. сўмлик "Бўрдоқчилик комплекси ва омухта ем ишлаб чиқариш" лойиҳаси ишга туширилиб, 160 та янги иш ўринлари яратилган. Зомин туманидаги "Turon Sarmoya Rivoj" МЧЖ томонидан умумий қиймати 160 млрд. сўмлик "Уч юлдузли меҳмонхона ташкил этиш" лойиҳаси ишга туширилиши натижа-сида 60 нафар зоминлик иш билан таъминланди.

Бахмал туманидаги "BAKMAL NATURAL JUICE" МЧЖ ҚҚ томонидан умумий қиймати 28 млрд. сўмлик

"Олма концентратини қадоклаш" лойиҳаси ишга туширилди. Янги лойиҳа доирасида 40 та иш ўринлари яратилди. Форишда эса "ROCKFIBER" МЧЖ томонидан умумий қиймати 583 млрд. сўмлик "Базальтдан ровинг ишлаб чиқаришни ташкил этиш" лойиҳаси ишга туширилиб, 205 та қўшимча иш ўринлари яратилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПК-459-сонли қарори ҳамда Ҳўкумат комиссиясининг йиғилиш баёнларидан келиб чиқиб, вилоятда 2023 йилда 700,1 млн. доллар миқдоридagi тўғридан-тўғри ҳорижий инвестиция ва кредитлар ўзлаштирилиши белгиланган эди.

Фориш туманидаги "Basfiber trade" МЧЖ томонидан базальт толасидан базальт мато ишлаб чиқаришни ташкил этиш лойиҳасида 53,4 млн. долларлик ҳорижий инвестиция қиритилди.

Шунингдек, "Жиззах цемент" МЧЖ ҚҚ томонидан цемент ишлаб чиқариш-ни ташкил этиш лойиҳасига 50,0 млн. доллар, Зомин туманидаги "Jizzakh organic" МЧЖ томонидан чорвачиликни ва қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини етиштиришни ривожлантириш лойиҳасига 40,0 млн. доллар, Шароф Рашидов туманидаги "Bmb-Nrg-Agrologistics" МЧЖ ҚҚ томонидан логистика маркази ҳамда қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва қадоклаш ташкил этиш лойиҳасига 41,2 млн. доллар, Бахмал туманидаги "BMB-OPERA ZAFFERANO" МЧЖ ҚҚ томонидан заъфран ўсимлигини етиштиришни кенгайтириш лойиҳасига 19,5 млн. доллар жалб этилди.

Мазкур ўзлаштирилган ҳамда ўзлаштирилиши қутилаётган тўғридан-тўғри ҳорижий инвестициялар ва кредитлар асосан Жанубий Корея (81 млн. доллар), Хитой (43 млн. доллар), Германия (31 млн. доллар), Россия (30 млн. доллар) каби давлатлар ҳиссасига тўғри келади.

Инвестициялар асосида вилояти-мизда 2024 йил давомида ишга туширилиши кўзда тутилган лойиҳалар сони сезиларли даражада ортади. Чунки марра ҳар қачонгидан баланд олинмоқда. Жорий йилда умумий қиймати 1,2 млрд. долларлик 718 та инвестиция лойиҳалари ишга туширилиб, улар доирасида 13108 та янги иш ўринлари яратилиши режалаштирилмоқда.

Хусусан, саноат соҳасида умумий қиймати 1,0 млрд. долларлик 142 та лойиҳалар, хизмат кўрсатиш соҳасида

58 млн. долларлик 396 та лойиҳалар, қишлоқ ҳўжалигида умумий қиймати 163 млн. долларлик 180 та лойиҳалар ишга туширилади. Масалан, Жиззах шаҳридаги "BYD" компанияси томонидан умумий қиймати 114 млн. долларлик "Янги энергия манбалари ёрдамида ҳаракатланувчи автомобилларни ишлаб чиқаришни ташкил этиш" лойиҳаси ишга туширилиб, 800 та янги иш ўринлари яратилади. Фориш туманида "KVAR WEST" МЧЖ томонидан умумий қиймати 25 млн. долларлик "Гидроқили калций ишлаб чиқаришни ташкил этиш" лойиҳаси ишга туширилиб, 50 та янги иш ўринлари яратилади.

Вилоятимизда 2024 йилда 46 та лойиҳалар доирасида 736,0 млн. доллар миқдоридagi тўғридан-тўғри ҳорижий инвестиция ва кредитлар ўзлаштирилиши, 2023 йилга нисбатан 105 фоизга ўсиши режалаштирилмоқда. Ўзлаштирилиши белгиланган маблағларнинг асосий қисми қуйидаги лойиҳалар ҳиссасига тўғри келади:

— Фориш туманидаги "Софкор" МЧЖ томонидан цемент ишлаб чиқаришни ташкил этиш лойиҳасида 82 млн. доллар ҳамда "Basfiber trade" МЧЖ томонидан базальт толасидан базальт мато ишлаб чиқаришни ташкил этиш лойиҳасида 65 млн. доллар; — Жиззах шаҳридаги "ADM Jizzakh" МЧЖ томонидан енгил автомобиллар учун пресланган деталлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш лойиҳасида 65 млн. доллар ҳамда "Asia Caustic" МЧЖ ҚҚ томонидан каустик сода ишлаб чиқаришни ташкил этиш лойиҳасида 30 млн. доллар;

— Галларол туманидаги "TRIANGUL METALS GALLAARAL" МЧЖ томонидан пўлат шарлар ва қувурлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш лойиҳасида 30 млн. доллар жалб этилиши қутулмоқда.

Барча лойиҳалар замирида биринчи навбатда халқимизнинг доимий иш билан таъминлаш, вилоятнинг ишлаб чиқариш салоҳиятини ошириш, ёшларимизни тадбиркорликка жалб этиш ва бизнесни қўлаб-қувватлаш турибди. Буни сўз бошида ҳикоя қилган маъракада ўтирган кексалар ҳам тушуниб етишди. "Ёшлар ва бизнесни қўлаб-қувватлаш йили"да нурунийларимиз, ота-оналар фарзандлари учун инвесторга айланишга ажабланмаган бўларди. Зеро, келажақга тикилган сармоя албатта ўз самарасини беради.

Асад МУСТАФОЕВ.
("Жиззах ҳақиқати")

ТАРИХ ТИЛГА КИРГАНДА



Улуғ ватандошимиз, Жиззахнинг ардоқли фарзанди Шароф Рашидовнинг укаси Саҳоб Рашидов — прокуратура соҳасида ўзининг юксак салоҳияти, иқтидори билан ёрқин из қолдирган шахс. 8 январь — Прокуратура ходимлари куни муносабати ҳамда истиқлол тарихининг қоронғу саҳифаларини ёритиш бўйича кенг кўламли сазй-ҳаракатларга ҳамоҳанг тарзда воҳамизнинг яна бир фидойи ва ватанпарвар ўғлини — Саҳоб Рашидов ҳаёти ва фаолияти ҳақида ҳикоя қиламиз.

РАШИДОВЛАР ОИЛАСИНИНГ
ҲУҚУҚШУНОС ВАКИЛИ
ҳақида нималар маълум?



1973 йил декабрь ойида Жиззах вилояти тузилган, Ўзбекистон прокурорининг 1974 йил 13 февралдаги 76-сонли буйруғига асосан вилоят прокуратураси ташкил этилди. Шу тариқа 11 та туман ва 1 та шаҳарни ўз ичига олган Жиззах вилояти прокуратураси ўз фаолиятини бошлади. Бу тизимда

кўплаб малакали ходимлар қонунчиликни мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшиб, тарихда ёрқин из қолдирдилар. Улардан бири Саҳоб Рашидовдир. Саҳоб Рашидов 1921 йил 23 сентябрда Самарқанд вилояти Жиззах тумани, Охунбобоев қишлоқ советида қолхозчи оиласида туғилган. Бу оила фарзандлари кейинчалик давлат раҳбари, ҳуқуқшунос ва бошқа вазифаларда ишладилар. С.Рашидов 1929-1936 йилларда 7 йиллик Наримонов номи ўрта мактабини, 1939 йилда Жиззах педагогика билим юртини тамомлаган. У 1939 йилда кўнгиллилар қатори ҳарбий хизматга кетади. Иккинчи жаҳон урушининг бошланиши ва Герма-

ниянинг собиқ Совет Иттифоқига ҳужуми прокуратура органларида хизмат қилаётган кўплаб ходимларни ҳам жанг майдонига олтиртди. Саҳоб Рашидов Иккинчи жаҳон урушида Ленинград шаҳри ҳимояси учун жангларда иштирок этади. 1942 йилда жиддий яраланиб, юртига қайтади. Уруш даврида фронт ортида хизмат қилган прокуратура ходимлари давлат ҳимояси учун куч ва воситаларни ташкиллаштиришга кўмаклашиш, жамоат тартиби ва ҳавфсизлигини сақлаш, шунингдек, барча ҳокимият органлари,

титутининг Тошкент филиалига сиртдан ўқишга киради. Олий ўқув юртини 1948 йилда тугаллайди. 1951-1952 йилларда Москва шаҳрида Прокуратура раҳбар ходимларини тайёрлаш курсида таҳсил олади. Прокуратура органларида меҳнат фаолиятини 1944 йилдан Жиззах туман прокурорининг ёрдамчиси вазифасидан бошлади. Шунингдек, у 1947 йилдан Галлаорол туман прокурори, 1952 йилдан Бухоро вилоят прокурорининг ўринбосари, 1953-1956 йилларда Бухоро вилоят прокурори, 1957-1959 йилларда Ўзбекистон ССР Прокурори ўринбосари, 1959-1962 йилларда Ўзбекистон ССР Прокурори бўлим бошлиғи, 1962-1963 йилларда Халқ назорати кўмитаси раисининг ўринбосари каби лавозимларда самарали фаолият олиб борган. У прокуратура тизимининг қайси бўғинида ишлаганини, ҳалол меҳнат билан нон топишни, фарзандларини тўғрисўз, адолатли, эл-юрт қорига ярайдиган инсонлар қилиб тарбиялашни, жамоада, эл-юртда яхши ном қозонишни ўйлади.

1980 йилларнинг ўрталарига келиб, совет ҳукумати ўзбек халқи бошига янги мусибатларни солди. "Пахта иши", "Ўзбек иши" номи остида бошланган қатагоннинг янги тўлқини республикадаги турли раҳбарлик лавозимларида марказдан тайинланган кадрлар ҳукмронлиги остида ниҳоятда авж олди. Гўлня ва Ивановлар учун бу ўғаришлар аини муддао бўлиб, айбсиз айбдорлардан икдорлик кўрсатмаларини олиш учун юзлаб қариндошлари, қўшнилари ва ҳатто танишларини қамоққа ташлаб, қийноққа дучор қилдилар. Бу сиёсат Рашидовлар сулоласини ҳам ўз домига тортиди.

Ҳаттоки Шароф Рашидов вафотидан кейин ҳам унинг яқинлари, оила аъзоларига тазийқ ва жабр-ситамлар тўхтамади. Қатагон сиёсатининг жабрини тортганлар қаторида ҳалол ва фидойиларча меҳнат қилган Саҳоб Рашидов ҳам бўлиб, унинг таҳликали йиллардаги ҳолати ҳақида кенжа қизи Нарғиза шундай ҳикоя қилади: — Дадажоним бегубор, қалби пок, меҳрибон, софдил инсон бўлган. 20-

25 ёшдалигимда оиламиз ва сулоламиз учун оғир қунар ўтди, кўп ноҳақликларга бардош беришимизга тўғри келган эди. Рашидовлар сулоласига Ўзбекистон Компартиясининг 16-плениумида "халқ душмани" деган ёрлик ёпиштирилди. Ўша машъум кунларни ҳозир ҳам эслашни хоҳламайман. Дадажоним онам ва биз билан бирга жуда кўп суҳбатлар қилган эди. "Ҳеч кимга ишонма, фақат ўзингга ишон, доимо тўғри бўлгин! Бу сўзлар ҳеч қачон ёдларингдан чиқмасин! Камтар ва виждонли бўлинглар!" дея таъкидлар эди у. Дадамга ўхшаб ғуруримизни сақладик, виждон ва ирода кучига таяниб яшадик, унинг маслаҳатларига доим амал қилдик.

Саҳоб Рашидов турмуш ўртоғи Хурсаной Рашидова (келинойиси билан исмдош) билан уч қиз ва уч ўғилни тарбиялаб вояга етказишди. Уларнинг тарбияси, жамиятда ўз касби ва ўрнига эга бўлишида ниҳоятда эътиборли бўлишган. Фарзандлари Дилбархон педагог, Фароғат шифокор, Ваҳоб биолог, Пўлат ва Шуҳрат муҳандис, Нарғиза ҳуқуқшунослик касбларида Ватанга хизмат қилишди.

Саҳоб Рашидов юрт ривожини йўлида ўзининг ҳақиқий меҳнати, фидойилиги билан кўплаб орден ва медаллар, давлат мукофотлари билан тақдирланди. У 1986 йил 22 октябрда вафот этди. Соҳибқирон Амир Темури бобомизнинг "Қаерда қонун ҳукмронлик қилса, ўша ерда эркинлик бўлади" деган ўғити шарқона ҳуқуқий давлат қуришда асос бўлиб хизмат қилади. Бу ҳикмат бугун ҳам ўз мазмун-моҳиятини йўқотмади. Прокуратура органлари инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, давлат ва жамият манфаатларининг ҳақиқий ҳимоячиси, қонун устуворлиги, адолат тантанаси йўлида фаолият юритувчи тизим сифатида шаклланди.



Бугунги кунда ижтимоий-иқтисодий муносабатлар қонун йўли билан тартибга солинаётгани, қабул қилинаётган қонунлар замирида инсонпарварлик ва одиллик ғояси мужассамлиги мустақил диёримизда адолат тантанасидан нишонадир. Қонун устуворлигига асосланган, халқ манфаатлари ифода этилган жамият ва давлат қурилишида прокуратура органлари алоҳида аҳамият касб этади. Унинг тарихини ўрганиш, ҳалоллик ва одиллик билан иш олиб борган прокурорлар фаолиятини ибрат сифатида ёш кадрларга намуна қилиб кўрсатиш тизимнинг халқчиллигини таъминлайди. Шунингдек, Ватанимиз тарихининг бир бўлағи сифатида қийматлидир.

Бахтигул ЭРҒАШЕВА,
ЖДПУ тузилмасидаги
Қатагон қўрбонлари хотираси
музейи директори.
Раҳим МАҲАМОВ,
Жиззах вилояти прокуратураси
бўлим бошлиғи.

Жорий йилнинг 4 январь куни муҳтарам Президентимиз қишлоқ ҳўжалигида сув ресурсларидан фойдаланиш самардорлигини оширишга бағишланган йиғилишда деҳқонларимизни ўйлантириб келаётган масалаларни атрофлича муҳокама қилди.

Сувдан фойдаланиш
энди текин эмас



Давлатимиз раҳбарининг топишириғига асосан қуйи бўғинда сув ресурсларини бошқариш тизимини такомиллаштириш ҳамда ундан фойдаланиш самардорлигини ошириш бўйича тақлифлар ишлаб чиқилди. Унга кўра туман ирригация бўлимлари ва махсус хизматлар негизда "Сув етказиб бериш хизматлари" давлат муассасалари ташкил қилинади. Уларнинг экскаватор ва бошқа техникалар билан таъминланиши суғориш тармоқларига хизмат кўрсатиш ишларини икки баробарга арзонлаштиради. Шунингдек, барча суғориш тармоқлари хатловдан ўтказилиб, эгаларига бириктирилади. Жорий йилдан далагача етказилган 1 куб метр сув учун тўлов 100 сўм этиб белгиланди. Эндиликда кўпчиликнинг онгида ўрнашиб қолган "сув — текин" деган тушунчани ўзгартириш вақти келди.

Сув истеъмолчилари билан ҳисоб-китобни қуйидаги таъмоийл асосида йўлга қўйиш тақлиф қилинди. Яъни 2025 йилдан бошлаб, далада сув ҳисоблагич ўрнатган ва тежамкор технологияларни қўллайдиган фермерлар учун солиқ коэффициенти камайтирилади. Аксинча ҳолатларда эса оширилади. Шу билан бирга,

сув етказиб бериш учун тўловлар бекор қилинади. Йиғилишда сув тежовчи технологияларни жорий қилишнинг рағбатлантириш чоралари ҳам қўриб чиқилди. Бунинг учун имтиёзли кредит линияси ташкил қилинади. Хусусан, кредитлар 2 йиллик имтиёзли давр билан 5 йил муддатга 14 фоизлик ставкада ажратилади. Кредит олишда фермерлардан мол-мулк гарови талаб қилинмайди. Шунингдек, кредитлар онлайн ажратилиши йўлга қўйилмоқда.

Маълумки, бугунги кунда сув тежовчи тизим жорий қилиш қўйиш, сувни тежаш ишларини кенгайтириш борасида биз деҳқонларни руҳлантирадиган кўрсатмаларни берди. Демак, сувдан самарали фойдалансак, қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларидан мўл ҳосил етиштирамиз. Энг муҳими, халқимизнинг озик-овқат ҳавфсизлигини таъминлашга муносиб ҳисса қўшамиз.

Хотам ХОЖИБЕКОВ,
Зарбдор туманидаги
"Бектурсин ота" фермер
ҳўжалигининг раиси.

Янгиликлардан хабарингиз борми?



"Инсофсиз ёки тўловга қобилиятсиз
юридик шахсларнинг очиқ рўйхати"

Ушбу фармонга кўра жорий йилнинг апрель ойидан контрагентлар олдидаги ёки ижро ҳужжатлари бўйича бюджет олдидаги ўз молиявий мажбуриятларини бажармайдиган инсофсиз ёки тўловга қобилиятсиз юридик шахсларнинг очиқ электрон маълумотлар базаси шакллантирилади.

Мажбурий ижро бюросининг расмий веб-сайтида "Инсофсиз ёки тўловга қобилиятсиз

юридик шахслар рўйхати"ни манфаатдор шахсларга юридик шахсларнинг молиявий мажбуриятлари бўйича тўлов қобилиятини онлайн тарзда текшириш ҳамда ушбу юридик шахслар тўғрисидаги, шу жумладан, таъсисчилари, раҳбарлари ва таркиби тўғрисидаги ҳамма учун очиқ маълумотларни олиш имкониятини интерактив давлат хизмати орқали тақдим этади.

Ундирув тақиқланган энг кам даромад

Фуқаролардан қарздорликлари учун ундирув қаратилиши мумкин бўлмаган энг кам кафолатланган даромад белгиланмоқда.

Жумладан, даромадларнинг кафолатланган энг кам миқдори фуқароларнинг қарздорликлари бўйича пул маблағла-

рини ундиришда қўлланилади ва белгиланган меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг ярмига мос келади.

Шунингдек, фуқаронинг банк ҳисобварақларидан, жумладан, банк карталаридан ижро ҳужжатлари юзасидан қарздорлик бўйича пул маблағларини меҳ-

натга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг ярмидаги маблағлар ҳисобидан ушлаб қолиш (ҳисобдан чиқариш) тақиқланади.

Файрат МАМАТҚУЛОВ,
Мажбурий ижро бюроси
Жиззах вилояти бошқармаси
катта инспектори.

Тараддуд



Аҳолини рўйхатга олиш
натижалари ғоят аҳамиятлидир

Ўзбекистонда аҳолини рўйхатга олишга тайёргарлик ишлари бошлаб юборилган. Бунга 2020 йил 16 март куни қабул қилинган "Аҳолини рўйхатга олиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Хўш, республикада аҳолини рўйхатга олиш бизга нима беради?

Авалло, аҳолининг аниқ сони, ёши, жинси, фуқаролиги, миллий тарихи (барча аҳоли пунктлари бўйича), оилавий аҳоли, маълумоти, касби, уй-жой билан таъминланганлик даражаси, яшаш шароитлари, меҳнат ресурслари, бандлиги ва ишсизлиги, даромад манбалари кабилар бўйича батафсил маълумот тўпланади.

Ўз навбатида республика ва ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, янги иш ўринлари яратиш, аёллар ва болалар саломатлигини яхшилаш, оилаларга ёрдам кўрсатиш бўйича

дастурларни манзилли ишлаб чиқиш имконияти кенгайди. Бундан ташқари, юртдошларимиз миграцияси тўғрисида аниқ маълумотлар шакллантирилади. Чунончи, аҳоли пунктлари инфратузилмасини яхшилаш, меҳнат ресурсларидан фойдаланиш ва жойлаштириш бўйича қисқа, ўрта ҳамда узоқ муддатли прогнозлар, дастурларни ишлаб чиқишда бу маълумотлар ниҳоятда қўл келади.

Амалдаги жорий ҳисобга кўра, 2023 йилнинг 1 октябрга ҳолатига вилоятимиз доимий аҳолиси сони 1499,8 минг кишини, шундан шаҳар аҳолиси 703,9 минг, қишлоқ аҳолиси 795,9 минг кишини, яъни аҳолиимизнинг 50,5 фоизини эркаклар,

49,5 фоизини эса аёллар ташкил этади.

Аҳолини рўйхатга олишга тайёргарлик кўриш юзасидан амалга оширилаётган бу каби ишлар мунтазам равишда аҳолини рўйхатга олишнинг расмий веб-сайтида (aholi.stat.uz) ёритиб борилмоқда.

Тайёргарлик кўриш жараёнларининг кейинги босқинида янгиланган маҳалла хариталари асосида ҳудудлар бўйича аҳолини рўйхатга олишнинг ташкилий режалари ва рўйхатга олиш жараёналарига жалб этиладиган ходимлар сони ҳисоблаб чиқилади.

Олдинда қилинадиган ишлар кўп. Уларни муваффақиятли бажариш сув ва ҳаводек зарур. Негаки, аҳолини рўйхатга олиш орқали Ўзбекистоннинг ҳар бир манзилни, ҳатто чекка ва олис маҳаллаю кўчаларигагача алоқадор барча маълумотларни ўзида акс эттирган ягона ахборот базасига эга бўламан.

Рўйхатга олиш натижалари нафақат биз учун, балки келажак авлодлар учун ҳам ғоят аҳамиятлидир. Бугун биз қандай яшаганимиз ва қандай имкониятларга эга бўлганимиз тарихга муҳрлашиб, авлодларимиз учун маънавий мерос бўлиб қолади.

Мамлакат НУРМАМАНОВА,
вилоят статистика бошқармасининг
рўйхатга олиш жараёнларини ташкил
этиш ва ўтказиш бўлими бошлиғи.

Юридик ва жисмоний
шахслар диққатига!

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 7 сентябрдаги "Атроф-муҳитга таъсирини баҳолаш механизмининг янада такомиллаштириш тўғрисида"ги 541-сонли қарорига асосан, атроф-муҳитга таъсир кўрсатишнинг хавфлилигига қараб III ва IV тоифаларга мансуб қонпенсация тўловчи субъектлар томонидан ҳисоботлар тақдим этиш муддати ҳар йилда бир марта, ҳисобот қилинадиган кейинги йилнинг 25 январигача йўлатилган.

Жиззах шаҳар Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши бўлими Сиздан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 12 апрелдаги 202-сонли қарори билан тасдиқланган Низомнинг 6-иловаси (ҳисобот шакли) асосида 2023 йил учун ҳисоботни электрон шаклда "fund.uznature.uz" электрон тизими орқали ёки қорғоз шаклда Жиззах шаҳар бўлими (Жиззах шаҳри, Шароф Рашидов кўчаси, 101-уй)га 2024 йил 25 январьга қадар тақдим этишлари сўралади.

Телефонлар: (97) 295-61-53,
(97) 328-02-07.

ЖИЗЗАХ ШАҲАР ЭКОЛОГИЯ,
АТРОФ-МУҲИТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ
ВА ИҚЛИМ ЎЗГАРИШИ БЎЛИМИ.



2024 йил 9 январь
ҳолатига валюталар
курси билан таншиш:



1 АҚШ доллари
12384,00



1 Евро
13550,57



1 Россия рубли
136,20



1 Қозоқ тенгеси
27,29



1 Хитой юани
1730,17



Besh tashabbus Bosh tashabbus



14-yanvar—Vatan himoyachilari kuni

UCH AVLOD UCHRASHUVI

Viloyatimizning barcha shahar va tumanlarida “Vatanparvarlik oyligi” doirasida faxriylar bilan ko‘plab ma’naviy-ma’rifiy tadbirlar, uchrashuv va davra suhbatlari o‘tkazilayapti.

“Nuroniylar” jamg‘armasi viloyat bo‘limining majlislar zalida O‘zbekiston Respublikasi Qurolli Kuchlari tashkil etilganligining 32 yilligi hamda Vatan himoyachilari kuniga bag‘ishlangan “Yangi O‘zbekiston armiyasi — mamlakat qudrati, yuksak g‘urur va sadoqat timsolidir!” shiori ostida bo‘lib o‘tgan davra suhbatida mehnat faxriylari, DXX Chegara qo‘shinlariga qarashli “N” harbiy qismida xizmat qilayotgan bir guruh ofitser va askarlar, viloyat mudofaa ishlari boshqarmasi huzuridagi Chaqiriltuvchilarni harbiy-texnik mutaxassisliklar bo‘yicha tayyorlash markazi kursantlari qatnashdilar. Tadbir avvalida Toshkent shahrida barpo etilgan “G‘alaba bog‘i” to‘g‘risidagi videorolik namoyish etildi. Tadbirni viloyat nuroniylar jamoatchilik Kengashi raisining o‘rinbosari Nuriddin Nurmatov kirish so‘zi bilan ochib, yig‘ilganlarni Vatan

himoyachilari kuni bilan samimiy tabrikladi. DXX viloyat boshqarmasi faxriylar kengashi raisi, polkovnik To‘lqin Zulfiqorov, viloyat mudofaa ishlari boshqarmasi faxriylar Kengashi raisi, podpolkovnik Ravshanbek Jakbarov, mehnat faxriysi Parda Yo‘ldoshev, DXX Chegara qo‘shinlari faxriysi, podpolkovnik Safarali Choriyev, Qurolli Kuchlar faxriysi, podpolkovnik Abdurashid Sharipov va boshqalar yoshlarga ibrat bo‘ladigan hayot yo‘llari, Qurolli Kuchlarda amalga oshirilayotgan islohotlar, harbiy xizmatchilarga yaratilayotgan sharoitlar, milliy armiyamizda xizmat qilish yoshlarimiz uchun sharaflil burchga aylangani, mard va jasur ajdodlarimizning qahramonliklari haqida gapirib berdilar. Vatan himoyachilari kuniga bag‘ishlangan o‘ziga xos uch avlod

uchrashuvi — faxriylar va harbiylarning yoshlar bilan dildan suhbatini unutilmas lahzalarga boy bo‘ldi. Askarlar tomonidan iro etilgan Vatanni madh etuvchi she‘rlar, qo‘shiqlar barchaga zavq-shavq bag‘ishladi. Tadbirida so‘zga chiqqan “Nuroniylar” jamg‘armasi viloyat bo‘limi va viloyat nuroniylar jamoatchilik Kengashi raisi Norqul Nusharov mamlakatimizda amalga oshirilayotgan keng ko‘lamli islohotlar, Yangi O‘zbekistonni barpo etish, yosh avlodni vatanparvarlik ruhida tarbiyalash, faxriylar bilan o‘tkazilayotgan uchrashuvlar, davra suhbatlarining ahamiyati to‘g‘risida gapirdi. Barchani Vatan himoyachilari kuni bilan samimiy tabrikladi va bir guruh faxriylar, harbiylar hamda yoshlarga jamg‘armaning esdalik sovg‘alarini topshirdi. Tadbir so‘ngida uch avlod vakillari esdalik uchun suratga tushdilar.

Vasil ILYOSOV.
 (“Jizzax haqiqati”)

Suratda: tadbirdan lavha.

Yuriy STOROJUK olgan surat.

Diniy qadriyatlar

Rojdestvo muborak

7-yanvar kuni mamlakatimizda pravoslav olamining Rojdestvo bayrami keng nishonlandi.

Rojdestvo — nasroniylarning har yili Iso alayhisalom tavalludini xotirlab bayram qilinadigan diniy marosimlaridan biridir. Bu yilgi bayram dunyoning ko‘plab pravoslav cherkovlarida nishonlandi. Pravoslav nasroniylar 6-yanvar tunda Rojdestvo bayramini kutib olish uchun Nikolay Ugodnik soborida bo‘lib o‘tgan ibodatda qatnashdilar. Toshkent va O‘zbekiston mitrolii Vikentiy o‘zining bayram yo‘llanmasida barchaga sog‘liq, mehr-oqibat, yurtimiz rivojiga ulkan zafarlar tiladi. Bayram munosabati bilan Jizzax shahridagi Nikolay Chudotvorets cherkovida uyushtirilgan tadbirda ruhoniy ierrey Nikolay qatnashib, yig‘ilganlarni bayram bilan tabrikladi. Rojdestvo tunida pravoslav cherkovlari va qabristonlari yaqinidagi barcha hududlar uzluksiz yoritilib, transport qatnovi uchun qulay sharoitlar yaratildi. Bayram munosabati bilan rojdestvo archasi shodiynalari, rus diasporasining ijtimoiy himoyaga muhtoj farzandlari uchun bayram tantanalari tashkil etildi. — Bu bayramni oilaviy yaxshi ko‘ramiz va har yili intiqlik bilan kutamiz, — deydi Hamid Olimjon mahallasida istiqomat qiluvchi Lyudmila Zybrevna. — Bu kunda turmush o‘rtog‘im va yaqinlarim bilan bir dasturxon atrofida jamlanib, niyat qilamiz. Bayram kuni bemorlar, yolg‘iz keksalar holidan xabar olib, sovg‘alar ulashamiz. Tilagim shuki, dunyoda tinchlik bo‘lsin, mehr-oqibat va saxovat rishtalari bizni hech qachon tark etmasin. Yana bir bor Rojdestvo bayramingiz muborak bo‘lsin!

Natalya BESEDINA.
 (“Джизакская правда”)

Yoshlar turizmi haftaligi

Ma’lumki, joriy yilning 1-10-yanvar kunlari qishki ta’til davomida mamlakatimiz bo‘ylab “Yoshlar turizmi haftaligi” deb e’lon qilingan.

Yaqinda Jizzax shahridagi Prezident maktabi o‘quvchilari Sharof Rashidov hamda Hamid Olimjon va Zulfiya muzeilarida bo‘lishdi. Mutaxassislar tomonidan muzey haqida kerakli ma’lumotlar berilib, eksponatlar bilan yaqindan tanishtirildi. Sevimli adibu davlat arbobi hamda shoirlarimizning o‘lmas asarlari, ular qoldirgan madaniy meros to‘g‘risidagi qiziqarli

suhbatlar ularni bee’tibor qoldirmadi. Ularning hayoti yoshlarimiz uchun ibrat mayog‘i ekanligi ta’kidlandi. Shuningdek, G‘allaorol tumanidagi 33-umumiy o‘rta ta’lim maktabi o‘quvchilari uchun Sa’d Ibn Abu Vaqqos ziyoratgohiga sayohat tashkil etildi. Sayohat davomida yoshlar uchun qadamjo tarixi va buyuk allomalarimiz to‘g‘risida mutaxassislar tomonidan qiziqarli ma’lumotlar berildi. Bahavo maskandagi muqaddas manzil tarixi, sirli va jozibadorligi bilan o‘quvchilarga bir alam taassurot ulashdi.

Xolnisa RAHMONQULOVA.
 (“Jizzax haqiqati”)

Uyushmagan yoshlar bilan muloqot

Hamkorlik

Yaqinda Jizzax politexnika institutida xorijiy tillar kafedrasida o‘qituvchilari Jizzax shahridagi “Uchariq” MFYdagi uyushmagan yoshlar bilan “Huquqiy axborotni tarqatish va undan foydalanishni ta’minlash to‘g‘risida”gi O‘zbekiston Respublikasining Qonunining mazmun-mohiyati yuzasidan davra suhbatini tashkil etishdi.

Davra suhbatida O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2023-yil 11-sentabrda “O‘zbekiston — 2030” strategiyasi to‘g‘risida”gi Farmonida aks etgan asosiy g‘oyalari haqida ham ma’lumotlar berildi. Aholi talablariga va xalqaro standartlarga to‘liq javob beradigan ta’lim tizimini tashkil qilish yo‘nalishi bo‘yicha berilgan savollarga javob qaytarildi. Xususan, xorijiy tillarni o‘rganish va chet tilini bilish darajasini tasdiqlovchi sertifikat imtiyozlari haqida tushunchalar berilgach, yoshlarning ko‘pchiligida chet tillarni o‘rganishga qiziqish uyg‘ondi.

G.SANOYEVA,
M.SOLIEVA,
JPI xorijiy tillar kafedrasida dotsentlari.

Bizga kelgan maktub

Qadriyatlarimiz yo‘qolmasin

Hayot sinovlardan iborat. Inson umr yo‘llarida nimalarga duch kelmaydi deysiz. Qat’iyatli, irdosli mustahkam kishilarga hammasiga bardosh bera oladi. Taqdinni qarangiki, ta’lim sohasida 30 yil o‘qituvchilik qildim. Keyinchalik umr yo‘ldoshim hamda farzandlarim bilan dehqonchilikning nonini yedik. Bog‘ yaratdik, g‘allachilikning ham uquvini oldik. Hozirgi kunda nabiralarim mening yo‘limni davom ettirishyapti. Keksalikning 81 bahoridaman, tez-tez boshim og‘rib xastalanib qolayapman. Haliyam bu hayot ummida qalbi saxovatga to‘la, mehribon, oliyanob insonlar ko‘p ekan.

Yaqinda Jizzax shahridagi “Rayhon-Shahzod” xususiy tibbiyot klinikasiga og‘ir ahvolda keldim. Bosh og‘rig‘i, holsizlik, ruhiy tushkunlik iskanjasida og‘ xalati mehribonlardan yordam kutardim. Jamoa rahbari, taniqli nevropatolog Rayhon Elmurodova boshchiligidagi shifokorlar qo‘llaridan kelgancha menga yordam berishdi. Ana shunday insonlarning borligi tufayli tez orada sog‘ligimni tiklab, oilam bag‘riga qaytdim. Shu kunlarda kayfiyatim yaxshi, ruhim tetikligidan mehribon, jonkuyar salomatlik posbonlarining oila a’zolariga tinchlik, sog‘lik, xotirjamlik tilagim kelaveradi. Dunyoda hamma narsa unutilishi mumkin, lekin yaxshilik va ezigulik amallari kishi xotirasida bir umr saqlanib qoladi.

Abduqodir bobo
NORBOYEV,
Zomin tumani,
Qangli qishlog‘i.

Xalq va armiya — bir tanu bir jon



DXX Chegara qo‘shinlariga qarashli harbiy qismlardan birida Yangiobod tumanidagi umumta’lim maktablari o‘quvchilari ishtirokida “Xalq va armiya — bir tanu bir jon” shiori ostida “Ochiq eshiklar kuni” tadbiri o‘tkazildi.

Tadbir davomida o‘quvchilarga zamonaviy harbiy texnika va qurol-aslahalarning taktik-texnik tasniflari haqida ma’lumotlar, “Davlat chegarasi to‘g‘risida”gi yangi tahrirdagi Qonunning mazmun-mohiyati haqida tushuncha berildi. Shuningdek, xizmat itlarining ko‘rgazmali chiqishlari namoyish etildi. O‘z navbatida yoshlar o‘zlarini qiziqitirgan ko‘plab savollarga javoblar olishdi.

Muhammaddavid SHAKIROV,
katta serjant.

NNT loyihalari — hayotga

Yosh ekovolontyorlar Jizzaxda plogging o‘tkazishdi

Jizzax shahrida O‘zbekiston “Ekolog” jamoat birlashmasining Oliy Majlis huzuridagi Jamoat fondi granti asosidagi “Plogging: yoshlar o‘rtasida zamonaviy ekologik madaniyatni yuksaltirish va sog‘lom turmush tarzini targ‘ib qilish” loyihasi doirasida ikki kunlik seminar-trening tashkil qilindi. Ekologiya va atrof-muhitni muhofaza qilish vazirligi bilan ijtimoiy hamkorlikda amalga oshirilayotgan mazkur loyihaga mamlakatimizning barcha hududlaridan ikki nafardan jami 28 nafar yosh ekovolontyorlar jalb qilindi.



— Loyihaning maqsadi viloyatlardagi “Ekolog” jamoat birlashmasi ko‘ngillilaridan ekomurabbiylar tayyorlash, ularning jamiyatda

har bir hududida plogging (yugurib chiqindini terish)ni tashkil qilish orqali sog‘lom turmush tarzini targ‘ib qilishdan iborat, — deydi lo-

yiha rahbari, taniqli ekotarg‘ibotchi Nargis Qosimova.

Seminar-trening davomida ishtirokchilarga ekotrenlar tomonidan ijtimoiy ekologik mas’uliyat, atrof-muhitni zararlantirayotgan chiqindi turlari, ularning parchalanish muddatlari, ekologik vazi-

yatni yaxshilash uchun bajarilishi zarur bo‘lgan vazifalar to‘g‘risida batafsil ma’lumot berildi. Ishitirokchilar, shuningdek, plogging, uning tarixi, atrof-muhit va sog‘lik uchun ahamiyati bo‘yicha bilim va ko‘nikmaga ega bo‘lishdi. Ma’lumot o‘rnida aytish joizki, mutaxassis-

larning hisoblashiga ko‘ra bugungi kunda bir kunda tashlanayotgan maishiy chiqindilar kishi boshiga 1 kg. 300 gr.ga to‘g‘ri kelmoqda. Aholi sonining oshib borayotgani e’tiborga olinsa, chiqindi miqdori ko‘payib, ularni yig‘ish, saralash va qayta ishlash katta muammoga aylanmoqda. Bu esa hukumat tomonidan tegishli chora-tadbirlar ko‘rilishi qatorida aholining yuksak ekologik madaniyatli bo‘lishini ham taqozo etuvchi muammodir.

Kunning ikkinchi yarmida amaliy mashg‘ulot — plogging o‘tkazildi. Jizzax shahridagi “Istiqloil” is-tirohat bog‘i atrofi va shu yerdan oqib o‘tuvchi Sangzor daryosining qurib qolgan o‘zani tushida to‘p-langan chiqindilarni yosh ekovolontyorlar tomonidan yig‘ib olindi.

— Bu yerda biz asosan plastik idishlar, bir martalik bolalar tagliklari, yelim paketlar, sigaret qutilari, turli energetik ichimliklarning bo‘sh idishlarini, eng achinarlisi, aholining eskirgan oyoq kiyimlari va boshqa shaxsiy buyumlarini yig‘ishtirib qoplanga joyladik, —

deydi Toshkent viloyatidan ishtirok etayotgan ekovolontyor Muham-maddiyor Mirsultonov. — Bu chiqindilarning parchalanish davri yuz yilliklarni tashkil qilishini odamlar anglab yetishlari zarur.

— Chiqindi muammolariga samarali yechim topish bo‘yicha o‘qitilgan ekoko‘ngillilar o‘z hududlarida o‘rgangan bilim va ma’lumotlarini tengdoshlariga yetkazib, plogging tadbirlarini o‘tkazishadi, — deydi tadbir muarabbiyi Nodira Almova. — O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining “Ekologiya va atrof-muhitni muhofaza qilish sohasini transformatsiya qilish va vakolatli davlat organi faoliyatini tashkil etsin chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi Farmoniga binoan, “O‘z-PLOGGING” umummilliy harakatini tashkil etish ko‘zda tutilgan. Loyihamizdan ko‘zda tutilgan maqsad ham hayotiy va dolzarb bo‘lib, uning ommalashuvi ekologiya musaffoligi uchun juda zarur.

Muqaddas SAPAROVA.
 (“Jizzax haqiqati”)

Bosh muharrir Bahodir NAZAROV

Jizzax viloyati matbuot va axborot boshqarmasidan 2018-yil 7-dekabrda 06-038 raqami bilan ro‘yxatdan o‘tgan.

ISSN 2010 7730. Qog‘oz bichimi A-2, hajmi 2 bosma taboq. Guvohnoma № 14-2588

QABULXONA — (72) 226-40-65.

XATLAR — (72) 226-59-84,
REKLAMA va E’LONLAR — (72) 226-18-10.

Navbatchi muharrir: X.RAHMONQULOVA.
Gazeta operatorlari: A.NORBOYEV, D.SADIROV.
Musahhih: B.HAMIDOVA.

Tahririyat besh qog‘oz hajmgacha bo‘lgan qo‘lyozmalarni qabul qiladi. Qo‘lyozmalar taqriz qilinmaydi va muallifga qaytarilmaydi. Reklama va e’lonlar matni uchun tahririyat javobgar emas.

— tijorat materiallari

Gazeta “ERUDIT” MCHJ bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: Samarqand shahri, Spitamen ko‘chasi, 270-uy.

Shartnoma bo‘yicha topshirish vaqti — 17.00. Topshirildi — 16.00.



Buyurtma
№ 024
Adadi:
13235
nuxsa.
Sotuvda
kelishilgan
narxda.

https://t.me/jizzaxpress